

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ ВА НОТИҚЛИҚ САНЪАТИ ҚАНДАЙ БҮЛИШИ КЕРАК?

Саттарова Гулираъно Обид Қизи

Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлиги

Академияси З-босқич курсанти

“Одамлар Ички ишлар органининг ҳар бир ходимида ўз ҳимоячисини кўриши керак”, - дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёев.

Шиддат билан ривожланиб бораётган давр талаблари барча соҳалар сингари, Ички ишлар органлари ходимларидан ҳам ҳар куни ўқиб-ўрганишни, ўз устида мунтазам ишлашни, билим ва савиясини, малакасини доимо ошириб боришни тақозо қиласди. Ички ишлар органларини тартибга солувчи қабул қилинаётган фармон, қарор ва фармойиш, буйруқларда ҳам халқ билан мулоқот ва улар олдида ҳисобот бериш, шунингдек камчиликларни бартараф этиш учун устувор вазифалар белгилаб берилди. Ички ишлар вазирлигининг “Ички ишлар органларининг ташқи соҳавий хизматлари фаолиятида ахлоқ ва мулоқот маданияти кодекси”, “Ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари” ҳамда “Ички ишлар органлари ходимларининг мумомала маданиятини ошириш чоралари тўғрисида”ги буйруқларини пухта ўрганиб, фуқаролар билан мумомала қилишда меъёрий ҳужжатлар талабидан чиқмаслик доимо диққат-марказда бўлиши керак. Шунингдек, Ички ишлар органлари ходимларининг халқ билан мулоқот маданияти жамиятдагиларга ўз ижобий таъсир этиши ва ҳуқуқбузарликларни олини олишга хизмат қилиши лозим. Таҳлилларга қараганда одамлар билан энг кўп мулоқот қилувчи соҳа вакиллари рўйхатининг ilk ўринларида ички ишлар, савдо ходимлари, алоқачилар, раҳбарлар, мухбирлар туришар экан. Бундан ташқари ходимнинг энг асосий хусусиятларидан бири – хушмуомалик деб назария жиҳатдан ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Лекин ачинарли тарафи шундаки, охирги пайтларда айнан ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида фаолият юритувчи ходимларининг мулоқот жараёнидаги муаммолари билан боғлиқ видео ёхуд аудиоёзувлар ижтимоий тармоқларда тез-тез кўзга ташланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан юртимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг мутлақо янги – «Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати» деган тизимини қарор топтириш, ички ишлар органларини халқчил давлат идорасига айлантиришга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Ички ишлар органларини такомиллаштириш ходимларининг шахсий маданият даражаларини оширишга боғлиқлиги ҳақида бир неча бор таъкидлаган. Ички ишлар органлари ходимининг маданияти, унинг фуқаролар билан мулоқот қилиш қобилияти ички ишлар

органларининг бутун тизимиға тұғридан-тұғри таъсир үтказади. Ходимлар хизмат бурчларини вијжданан адо этиши, вазминлик, огохликни йүқотмаслик, хизмат инстизомига қатый риоя қилиши зарур. Зеро, мамлакатимизда тинчлик ва осойишталиктин сақлаш, ҳуқуқбузарлайлар профилактикаси билан узвий боғлиқ бўлган «Хавфсиз шаҳар», «Хавфсиз пойтахт», «Хавфсиз туризмни таъминлаш», «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш», «Хавфсиз хонадон» каби ўзига хос янгича концепцияларни ижтимоий ҳаётга жорий этиш, халқ билан мулоқот қилиш соҳада фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходимдан чуқур билим ва ақл-заковатни талаб этади. Ушбу юқоридаги концепцияларни аксарият қисмини профилактика инспектори амалга оширади. Энг кўп аҳоли ва фуқаролар билан ишлайдиган ходимлар профилактика инспекторлари дидир. Профилактика инспекторлари аҳоли билан ҳамкорликда фаолият олиб бориш учун мулоқотда қўйидагиларига эътибор бериши лозим:

- ❖ суҳбатдошига тушунарли бўлган сўз ва ифодаларни танлаш, унинг фикрларини диққат билан тинглаш;
- ❖ ҳуқуқбузар билан мулоқот даврида аниқ, қисқа ва хушмуомалалик билан суҳбат олиб бориш;
- ❖ суҳбатдош томонидан берилаётган ахборотга қизиқиш билан муносабат билдириш. Агар ходимга берилаётган ахборот тушунарсиз бўлса, у ҳолда айтилган фикрларни ва баъзи жумлаларни такрорлаш хушмуомалалик билан сўралади;
- ❖ суҳбат давомида салбий таъсир этувчи омилларга эътибор қаратмаслик (қўнғироқлар, бегоналарнинг йўлакда юриши ва бошқалар);
- ❖ суҳбатдошнинг мимика, жестлар ва реакцияларига эътибор бериш.

Суҳбатдош фикрларини тугатгач, олинган маълумотлар умумлаштирилади, таҳлил қилинади, аниқ далиллар ойдинлаштирилади, зарур бўлган вақтда далиллар билан ҳужумга ўтилади. Ходимга қўйиладиган асосий талаблардан бири эшитиш қобилиятини шакллантириш ҳисобланади.

Бугунги кунда аҳоли билан мулоқот қилиш маданиятини, маҳаллаларда ҳуқуқбузарлайлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда давлат ва жамоат ташкилотлари, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик қилиш механизmlарини соҳа ходимларига етказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шуни ҳам эътироф этиш жоизки, аксарият одамларда психо-эмоционал ҳолат турғун эмаслиги, аммо исталган ходимнинг мулоқотдаги, хизмат жараёнидаги камчилиги биргина ўзининг эмас, бутун тизимнинг камчилиги деб талқин қилинаётган ҳозирги шароитда мулоқот маданиятини ошириш масаласига доимгидан-да кучлироқ ёндошиш талаб этилади. Чунки биргина ходим аҳоли орасида ижобий таассурот пайдо қилди дегани, астасекинлик билан бутун бошли тизимга берилган юқори баҳо, ишончнинг асоси бўлиб хизмат қиласиди. Маълумки, осойишталиктин посбонларининг хизмати асосан халқ орасида кечади. Мана шу мулоқот жараёнида юксак маданиятга эга эканлигини кўрсатишнинг энг тұғри йўли зарур ҳолларда одамларни тинглай олишдир. Инсон

кўпинча «эшитиш» ва «тинглаш» тушунчаларини бир-биридан ажратада олмаслиги мумкин. Мулоқот кўнгилдагидек кечиши учун сұхбатдошлар, биринчи навбатда, бир-бирини тинглашни ўрганишлари керак. Олдига бирор масала, илтимос ёхуд юмуш билан келган инсоннинг муаммосини ҳал этиш ходимнинг ваколат доирасида бўлмаслиги мумкин, аммо унга ҳамдард, хайриҳоҳ эканлигини билдириб, тинглаш орқали одамларда ижобий кайфият уйғота олади. Ички ишлар органлари ходими аҳоли билан ишлар экан, умумий билим даражаси ҳамиша соҳа бўйича эгаллаган маҳсус билимидан юқори бўлишига интилиши лозим. Чунки деярли ҳар куни турли тоифа ва характеристдаги кишилар билан мулоқот қилишига тўғри келади. Бундан ташқари, хилма-хил ҳаётий воқеа-ҳодисалар юзасидан иш олиб боришга, уларни тўғри баҳолашга, зарур қарорларни қабул қилиш ва унинг тўғрилигига мурожаат қилган одамларни ишонтира олиши шарт.

Ходим ҳар бир ҳолатда зарур оҳангни, сўзларни, асосли ва бехато ифодаланадиган фикрларни топиши керак. Чунки тинглаётган шахсларнинг ходим нутқини қанчалик аниқ тушуниши нутқнинг таркибий тузилишига боғлиқ. Шундагина атрофдагилар билан мулоқотимиз муваффақиятли бўлади. Яъни, ходим мулоқот маҳорати одобини ўрганиш билан бир қаторда, инсоннинг хатти-ҳаракатлари, имо-ишораларига қараб ҳам ташхис қўйишни ўрганиши фойдадан холи бўлмайди. Чунки кўплаб хорижий давлатларда ҳуқуқни мухофаза қилувчи органлар ходимларининг бу борада билим ва тажрибага эга бўлишига алоҳида эътибор билан қарашади. Муомала маданиятига риоя этиш ички ишлар органлари ходимларининг касбий фаолияти ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Шу боис ички ишлар органларига ёки аниқ бир ходимга мурожаат қилган ҳар қандай шахс зудлик билан қабул қилиниши ва эътибор билан тингланиши керак. Бунинг учун, аввало, ички ишлар органларининг барча даражадаги раҳбарлари ўз ходимларини қўполлик ва лоқайдликка нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаши, фуқаролар билан қўпол муомалада бўлиш ҳолатларига қатъий муносабат билдириши ҳамда хулқ-атвор ва муюмала маданияти билан ўзлари намуна кўрсатиши зарур. Осойишталик посбонлари ҳар доим аҳоли кўз ўнгида эканини, тизимнинг обрўси унинг хулқи ва хатти-ҳаракатларига бевосита боғлиқ эканини ҳамда мурожаат қилган ҳар бир фуқарога ёрдам кўрсатиш аҳолида ички ишлар органи фаолияти тўғрисида ижобий фикрни шакллантиришини ёдда тутиши шарт. Фуқаролар билан хушмуомала бўлиш, уларнинг мурожаатига холисона ва вижданан ёндашиш, айниқса, болалар, аёллар ва қарияларга алоҳида эътибор қаратиш, шунингдек, ички ишлар органларига олиб келинган ҳар бир инсон шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгалигини ёдда тутиши ва айбсизлик презумпцияси принципига амал қилиши керак. Ходимлар фуқаролар билан мулоқотда мансабпастлика йўл қўймаслиги ҳамда ўз ваколатлари доирасига кирмайдиган мурожаатлар юзасидан фуқароларни тегишли раҳбар ёхуд масъул ходим билан боғлаши, ички ишлар органларига чақирилган ёки олиб келинган фуқарога, чақирилиши ёхуд тўхтатилиши сабабларини тушунтириб

бериши керак. Бундан ташқари қонун ҳужжатлари нормаларини таништириши зарур. Фуқароларнинг шаъни, қадр-қимматини камситиш ва ҳақорат қилиш, уларга нисбатан қонунга хилоф равишда куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан қўрқитиш, жисмоний шахсларнинг мурожаатини кўриб чиқишдан бўйин товлаш ёки кўриб чиқишини асоссиз рад этишга ҳамда хизмат зарурати билан чақирилган (олиб келинган) шахсларни асоссиз куттириб қўйиш аҳолининг ходимларга бўлган ишончини камайтиради. Шунинг учун мурожаат қилган ҳар бир фуқаронинг муаммосини атрофлича ўрганиб, ўз ваколати доирасида қонуний ҳал этиш, керак бўлса, ёрдам бериш ҳар бир ходимнинг хизмат бўрчи эканини ҳам үнутмаслик лозим. Шундагина жамиятда ички ишлар органлари ходимининг ижобий қиёфаси шаклланади.

Халқ манфаати йўлида хизмат қилаётган ҳар бир ходим, аввало, ўзининг билими, маънавияти ва дунёқараши кенглиги билан ажralиб туриши керак. Дунёқараш, салоҳият, тафаккур теранлиги эса, шубҳасиз, мулоқот жараёнида кўзга ташланади. Чунки ҳар бир инсон муомаласи ва мулоқотига қараб, сұхбатдошининг қандай инсон эканлиги ҳақида холоса қилади. Нутқ гапираётган шахснинг ихтиёрисиз унинг тимсолини яратади, шахсиятини очиб беради. Соддароқ айтганда, инсоннинг сўзига қараб, кимлигига баҳо беришади. Мулоқот орқали бир-биirimiz билан фикр алмашамиз, туйғуларимизни ифода этамиз, баҳсга киришамиз. Шу жиҳатдан қараганда, мулоқот кишилар учун ҳамиша қулайлик воситаси бўлиши керак.